

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

“Давлат кадастрлари” кафедраси


“Ер ресурсларини бошқариш” фани

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА НАЗОРАТ ВА
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ**


Тошкент - 2018

***Мавзу:* Ер ресурсларини бошқаришда назорат ва қонунлар ижроси**


Режа:

- 1. Ер ресурсларини бошқаришда назоратнинг мақсади ва турлари.**
 - 2. Ер ресурсларини бошқариш органлари ва уларнинг ваколатлари.**
 - 3. Ер ресурсларини бошқаришга оид қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиш.**
- 

**Ер ресурсларини бошқаришда
давлат ер назоратининг мақсади
ер конун хужжатлари талабларига
ер муносабати субъектлари
томонидан риоя этилишини
таъминлашдан иборат.**



Ер ресурсларини бошқаришда ер назорати турлари:

1. Давлат ер назорати;
 2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари назорати;
 3. Ўз-ўзини бошқариш органларининг жамоат назорати;
 4. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш илмий жамиятлари, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотларнинг ёрдам кўрсатиш назорати.
- 

Давлат ер назоратининг асосий вазифаси

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ерлардан фойдаланишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Давлат ер назоратини амалга оширишга доир қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 30.04.1998. йилда қабул қилинган .
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни. 15.12.2000. йилда қабул қилинган .
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. 28.08.1998. йилда қабул қилинган .
4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 09.12.1992. йилда қабул қилинган .
5. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни. 03.12.2004. йилда қабул қилинган
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. 15.04.1999. йилда қабул қилинган
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
8. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 29.08.1996. йилда қабул қилинган
10. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган ва 01.04.1995. йилдан кучга кирган
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 23 декабрдаги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори.

Ерга оид муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш-
иктисодий ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали Республика ер фондини
муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ташкил этишда давлат
органларининг мақсадли фаолияти.

Ерга оид қонунбузарлик-ер қонун ҳужжатлари меъёрлари ва
талабларининг ер муносабатлари субъектлари томонидан бузилиши.

Ер қонунбузарлиги турлари-ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда
миллий ва халқаро юридик жавобгарлик нормаларида белгиланган
талабларни бузиш тоифалари.

Ер назоратининг жазолаш шакли - ерларни муҳофаза қилиш ва
улардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун талабларини бажармайдиган
ва уларга риоя этмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан давлатнинг
мажбурловчи чораларини қўллашга қаратилган текшириш тури.

Ер назорати - ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ер қонун ҳужжатлари нормаларидаги талабларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатланган идоралар ва шахслар ер муносабатлари субъектлар томонидан бажарилишини текшириш.

Жамоат ер назорати-ерларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ер қонунчилиги талабларига риоя этишни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан текшириш (**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси ва Янги таҳрирдаги фуқароларини ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 10 моддаси**).

Давлат ер назорати (инспекцияси) – давлатнинг маҳаллий ҳокимият ва махсус ваколатли органларининг ер муносабати қатнашчилари (субъектлар) нинг ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир фаолиятларини текшириш.

Давлат ер назорати (надзор) – давлатнинг махсус ваколатли орган (прокуратура) томонидан ер муносабатлари субъектлари (жумладан давлат органлари ва мансабдор шахслар) фаолияти ер қонун ҳужжатларига мослигини текшириш (Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).

Ер ресурсларини бошқаришда назорат органлари

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кўмаклашадилар.

Ер ресурсларини бошқаришда назорат органлари

Ер ресурсларини бошқаришда назорат органлари

2 гуруҳга бўлинади:

1. Умумий назорат органлари

- Вазирлар Маҳкамаси;
- Прокуратура;
- Давлат ҳокимият органлари;
- Ўз-ўзини бошқариш органлари;

2. Махсус назорат органлари

-“Давергеодезкадастр” қўмитаси.

-Экологик ва муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси

"Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бўйича қуйидаги мансабдор шахслари:

- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг раиси - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича **Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;**
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ўринбосари - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича **Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспекторининг ўринбосари;**
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича **катта давлат инспектори;**
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари - тегишли ҳудудларда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича **давлат инспекторлари;**

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;
2. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш;
3. Айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш аалар юбориш;

4. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш;
5. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш;
6. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар:

- ✓ ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;
- ✓ йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришлари;
- ✓ ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатнинг бутун ҳудудида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш давлат назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини англатади.

Ер кодексининг 85-моддасида ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан

у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни

текшириш

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширадиган давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 24.12.1998 йилги N 717-I-сонли (26.05.2000 й.; 15.12.2000 й.; 30.04.2004 й.; 03.12.2004 йилларда ўзгартиришлар киритилган) қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 26.04.2001 куни N 1029-сон билан рўйхатга олинган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 23.04.2001 кунги N 1-сонли Қарорига илова сифатида қабул қилинган “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга

мувофиқ қилинади.

- ▶ Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.
- ▶ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.
- ▶ Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар, уларга методик ва бошқа ёрдам кўрсатадилар.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар билан ифлосланиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадидаги ерлардан, сув фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари тарафидан амалга оширилади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

- а)** ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини устидан назорат қилиш, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бошқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш;
 - ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;
 - қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дарахтлар, бегона ўтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишининг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;
 - агар бошқа усуллар билан тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаса, унумсизланган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш;
 - бузилган ерларни рекультивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ва хоссаларини ошириш;
 - ер бузилиш ва қишлоқ ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиб ташлаш ва уларни фойдаланиш ва уларни сақлаш;

б) сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари учун ер ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;

в) фойдали конларни қазиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ерлари ва бошқа ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши устидан назорат қилиш;

г) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан:

- табиий-иқтисодий шарт-шароитларга мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишларни, деҳқончиликнинг энг самарали ва оқилона тизимини жорий этиш;
- ҳайдаладиган ер майдонлари сақлаб қолинишини таъминлаш;
- мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;

етиштириш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўлчаш.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;
- ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;
- ерга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини тўпик ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда қонунсизланиб қолганлигини белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш.

Thank you!



Эътиборларингиз учун рахмат !